



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Тошев М. Х.¹

¹ Бухоро давлат, университети таянч докторанти

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КРЕАТИВЛИК ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ШАХМАТНИ ЎРГАТИШ ЖАРАЁНИДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДИДАКТИК ЖИХАТЛАРИ

Аннотация: Мақолада бошланғич синф ўқувчиларни креатив қобилиятларини шахмат ўргатиш орқали ривожлантиришнинг дидактик жihatлари келтирилган. Дарс мавзулари, назарияси ва амалиётининг дидактик хусусиятлари ёритилган..

Калит сўзлари: Шахмат, креативлик, бошланғич синф ўқувчиси, дарс мавзуси, назария, амалиёт, ўқув соатлари.

Шахмат ўргатиш жараёнида мактаб ўқувчиларда креатив қобилиятларини ривожлантиришни фаолаштириш мумкинлиги қатор тадқиқотларда ўз аксини топган[1, 2, 3]. Лекин муаллифлар томонидан шахматни ўргатиш методикаси бўйича бир аниқ режага келинмаган. Турли таклиф ва тавсиялар мавжуд[4, 5, 6]. Биз ҳам мақоламизда шу муаммага доир таклифимизни келтирамиз.

Дарс мавзулари ва уларнинг назарий ва амалий мазмуни шахмат тахтасида ўйнашда шахматчилар дуч келадиган у ёки бу реал вазиятни ўқувчилар учун қулай тарзда шакллантирилиши мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, барча ўйинлар ва вазибалар кўнгилочар ва тарбиявий бўлиб, мантикий фикрлаш ва интеллектуал қобилиятларни ривожлантиришга самарали ёрдам бериши назарда тутилган.

Дарс мавзулари ва анга мос назарий ва амалий топшириқлар қўйидаги кўринишда таклиф этилади.

1-дарс. Шахмат тахтаси. Назарий қисми: Шахмат салтанатига саёхат. Шахмат тахтаси ҳақида тушунча, шахмат доналари, доналарнинг шахмат тахтасидаги дастлабки ҳолати. Амалий қисми: "Сехрли халтача". Шаффоф бўлмаган сумкада барча шахмат доналари навбатма-навбат яширинган, ўқувчиларнинг ҳар бири тегиниш орқали қайси дона яширинганлигини аниқлашга ҳаракат қилади. "Нима умумий?" Ўқитувчи иккита шахмат фигурасини олади ва улар бир-бирига нимаси билан ўхшайди деб савол беради. Қандай фарқланади? (Ранги билан, шакли билан). "Катта ва кичик". Столда олти турли доналар бор. Ўқувчилар энг баланд фигурани айтишади ва уни бошқа жойга олиб қўйишади. Топширик: барча доналарни баландлиги бўйича қўйиш. Топинг". Ўқитувчи бирон шахмат фигураси ҳақида айтади, ўқувчилар бу фигурани топиши керак. "Халтача". Ўқувчилар халтачадан шахмат доналарини олишади ва дастлабки жойлашув бўйича жойлаштиришади. "Ҳа ёки йўқ". Ўқитувчи иккита шахмат фигурасини олади ва ўқувчилардан бу доналар дастлабки ҳолатда ёнма-ён туришини сўрайди

2-дарс. Шахмат тахтаси – шахмат жанг майдони. Назарий қисми: Шахмат тахтасининг асосий тушунчалари билан танишув: горизонталлар, вертикаллар, диагоналлар. доналарнинг номи. Амалий қисми: Ўқувчилар шахмат тахтасини чизишади. Ўқитувчи шахмат тахтасининг вертикал ва горизонтал чизиқларини кўрсатади. Ўқувчилар "горизонтал" чизишади, қора ва оқ майдонлар сонини ва у ёки бу горизонтал қайси ранг билан бошланишини санашади (масалан, биринчи майдондаги биринчи горизонтал). Ўқувчилар "вертикал" чизишади ва шахмат доналари билан тўлдиришади ва "диагональ" чизишади ва шахмат доналари билан тўлдиришади. "Вертикал, горизонтал ва диагонални айт", ўқитувчи вертикаллардан (горизонталлардан, диагоналлардан) бирини кўрсатади, ўқувчилар уни айтиши керак (масалан, иккинчи горизонтал, тўртинчи вертикал ва ш.ў.).

Ўқитувчи фигурани кўрсатади, ўқувчилар уларнинг номини айтадилар. Ўқитувчи томонидан қутичадан шахмат доналари олинад ва ўқувчиларга кўрсатилади, ўқувчилар уларни номини ва белгиланишини тўғри айтишлари керак. Ўқувчилар оқ доналарни 1 горизонталда(қора доналарни эса 8 горизонталда) теришади.

3-дарс. Шахмат нотацияси. Назарий қисми: Шахмат доскасининг вертикали ва горизонталининг номланиши. Майдонларнинг номланиши. Шахмат нотацияси. Амалий қисми: Ўқитувчи доналарни айтади. Ўқувчилар эса улар жойлашган майдон номини айтишади (масалан, e1 майдон ва ш.ў.). "Денгиз жанги": ўқувчилар шахмат доскасида доналарни ихтиёий жойлаштиришади, кейин эса навбати билан уларнинг координасини айтишади (масалан, a1, c6 ва ш.ў.). Агар шахмат донаси бор майдон номи айтилса, фигура доскадан олинад ва ш.ў. Ҳеч бўлмаса битта донаси қолган ўқувчи ютган ҳисобланади. Ким биринчи бўлиб шоҳ жойлашган майдонни топган ўқувчи ҳам ютган ҳисобланади

4-дарс. Доналар юриши. Пиёда юриши. Назарий қисми: Пиёда юриши. Пиёда билан олиш, пиёда билан қўшни майдонларни назорта қилиш. Амалий қисми: «Кичкинагина уддабуронгина». «Жангга фақат пиёдалар боради». «Йўқ қилиш ўйини» дидактик ўйинлар ва топшириқлар.

5-дарс. Доналар юриши. Шоҳнинг юриши. Назарий қисми: Шоҳнинг юриши. Шоҳ билан олиш, шоҳ билан қўшни майдонларни назорта қилиш. Амалий қисми: «Шоҳ юриши». "Шоҳ ҳам жангда жангчи". "Йўқ қилиш ўйини", "Майдонда битта жангчи".

6-дарс. Доналар юриши. Рухнинг юриши. Назарий қисми: Рухнинг юриши. Олиш, куч. Рух пиёдага қарши. Рух шоҳга қарши. Амалий қисми: Пиёдага қарши бир ўзи. Лабиринт. «Майдонда битта жангчи», «Қўриқчиларни алдаш», «Душман фигураси хужуми».

7-дарс. Доналар юриши. Филнинг юриши. Назарий қисми: Филнинг юриши. Олиш, куч. Оқ майдондаги ва қора майдондаги филлар. Фил пиёдага қарши. Фил шоҳга қарши. Фил рухга қарши. Амалий қисми: "Йўқ қилиш ўйини", «Майдонда битта жангчи», «Қўриқчиларни олиб ташлаш», "Лабиринт", "Қисқа йўл", «Душман фигураси хужуми», "Хужум", "Ҳимоя".

8-дарс. Доналар юриши. Фарзин юриши. Назарий қисми: Фарзиннинг юриши. Олиш, куч. Фарзин рух, фил, пиёда ва шоҳга қарши. Амалий қисми: "Йўқ қилиш ўйини", «Майдонда битта жангчи», "Лабиринт", "Қисқа йўл".

9-дарс. Доналар юриши. Отнинг юриши. Назарий қисми: Отнинг юриши. Олиш, куч. От пиёдага қарши. Амалий қисми: "Йўқ қилиш ўйини", «Қўриқчиларни олиб ташлаш», «Майдонда битта жангчи», , "Лабиринт", "Қисқа йўл", « Қўриқчиларни алда».

10-дарс. «Доналар юриши» назарий билимларни мустаҳкамлаш. Назорат иши.

11-дарс. Доналарнинг нисбий қиймати. Назарий қисми: Доналар қиймати. Доналарнинг нисбий кучи Амалий қисми: "Ким кучли". Ўқитувчи ўқувчиларга иккита фигура кўрсатади ва “Қайси фигура кучлироқ? Қанча кучли?” деб сўрайди. “Ўзгарамиз” ўйини. Ўқитувчи столга биттадан тўрттагача фигура кўяди ва ўқувчилардан ўзларининг шахмат доскаларига бошқа Доналарни қўйишни сўрайди, бунда ўқитувчи ва ўқувчиларда очколар сони бир хил бўлиши керак.

12-дарс. Доналар кучи. Назарий қисми: Доналар юрадиган майдонлар сони: Кр, Ф, Л, С, К. Доналар кучи. Шахмат доскасида жойлашувига кўра донлар кучи. Амалий қисми: "Ким кучли". Ўқитувчи ўқувчиларга иккита фигура кўрсатади ва “Қайси фигура кўпроқ майдонда ҳаракат қилади? Қанча вақт?” деб савол беради. “Мен сени кўраяман”, “Менга етиб кўр”, “Ким доналардан сакраб ўта олади” ўйинлари.

13-дарс. Пиёда юришининг аҳамияти. Пиёданнинг бошқа сипоҳга айланиши. Назарий қисми: Икки юришли пиёда юриши. Ўтишда пиёдани олиш. Пиёданнинг айланиши. Амалий қисми: Оқлар томонида “пиёдалар жанги”, қоралар томонида “пиёдалар жанги”. Ўтишда уриб олиш. “Бутун тахта бўйлаб айланиб – фигурани топиш”.

14-дарс. Шоҳ бериш. Назарий қисми: Шоҳбериш нима? Фарзин, рух, фил, от, пиёда билан шоҳ бериш. Амалий қисми: "Шоҳ ёки шоҳ эмас". Шоҳ зарба остидами ёки йўқ эканлигини аниқлаш учун бир қатор ҳолатлар кўриб чиқилади. Рақиб шоҳига “шоҳ” эълон қилиш. “Шоҳдан ҳимоя”.

Қолган дарс мавзулари ва унга мос назарий ва амалий қисмлари қўйидаги жадвалда келтирилган.

Дарс тартиби	Назарий қисми	Амалий қисми
15-дарс. Рокировка	5,6,13 дарсларни такрорлаш. Узун ва қисқа рокировка. Рокировка қоидаси.	"Рокировка". Ўқувчилар у ёки бу ҳолатда рокировка қилиш мумкинми ёки йўқми шуни аниқлашлари керак.

<p>16-дарс. Шохни мот қилиш</p>	<p><i>13 дарсни такрорлаш</i> “Шохни мот қилиш” тушунчаси. Шох таслим бўладиган ҳолатлар. Ўйинни якунлаш.</p>	<p>“Шох ва мот”. Қора (оқ) шохни мот қилиш. Шахмат масалалари ва машқларини ечиш.</p>
<p>17-дарс. Пат</p>	<p><i>15 дарсни такрорлаш.</i> «Пот» тушунчаси. Пот ўйинда дурангни англатади. Потга олиб келадиган шахмат тахтасидаги ҳолат.</p>	<p>Мот ёки пот». Қора (оқ) шохга потми? Шахмат масалалари ва машқларини ечиш.</p>
<p>18-дарс. Дарсларни мустаҳкамлаш. Назорат иши</p>	<p><i>Ўтилган №11- 17 мавзулар юзасидан назорат иши.</i></p>	<p>Ўтилган дарслар бўйича шахмат топшириқлари ва тестлар</p>
<p>19-дарс. Ўйиннинг мазмуни ва мақсади. Ютуқ, дуранг ёки мағлубият</p>	<p><i>13 дарсни такрорлаш.</i> Доналарни нега силжитиш керак? Рақибни қандай енгил керак, шохни қандай асирга олиш керак? Ютуқ, дуранг ёки мағлубият нимани англатади? Дуранг вариантлари. Ўйин босқичлари. Дебют, миттельшпиль, эндшпиль.</p>	<p>Рақиб томонга қандай ўтиш керак? Қандай қилиб рақиб доналарни алдаб, шохни ўраб олиш керак?</p>
<p>20-дарс. Ўйин боши. Дебютнинг асосий тамойиллари. Марказ роли</p>	<p><i>19 дарсни такрорлаш.</i> Енгил ва оғир доналар тушунчаси. Марказнинг пиёдалари ва енгил доналари билан назорат қилиш. Дебютда юришлар тартиби.</p>	<p>Ўйинни қандай тўғри бошлаш керак? “ўйин бошида битта фигура билан юрмаслик” қоидаси. Шахмат масалалари ва машқларини ечиш.</p>
<p>21-дарс. Дебютнинг асосий тамойиллари. Доналарнинг ривожланиши</p>	<p><i>20 дарсни такрорлаш</i> Енгил доналарнинг ривожланиши. Енгил доналарнинг мақсадли чиқиши. Марказни эгаллаш.</p>	<p>Ўйин бошланишининг турли вариантлари. Шахмат масалалари ва машқларини ечиш.</p>
<p>22-дарс. Дебютнинг асосий тамойиллари. Ўйин суръати.</p>	<p><i>21 дарсни такрорлаш</i> Ўйин бошида суръатни йўқотиш тушунчаси. Биринчи юриш имконияти ва фаоллик. Дебютда фаоллик.</p>	<p>Партия таҳлили ва шахмат масалалари ва машқларини ечиш.</p>

23-дарс. Дебютнинг асосий тамойиллари. Хавфсизликни таъминлаш	<i>22 дарсни такрорлаш</i> Шоҳни марказда қолдиришнинг ҳавфлари. Шоҳ учун “дарча” очиш.	Партия таҳлили ва шахмат масалалари ва машқларини ечиш.
24-дарс. Деют ютуғи	<i>24 дарсни такрорлаш</i> Дебютнинг асосий тамойилларига риоя қилиш	Партия таҳлили ва шахмат масалалари ва машқларини ечиш.
25-дарс. Дебютнинг асосий тамойиллари. Дебютда нотўғри ўйнаш	<i>23 дарсни такрорлаш</i> Ўйинга оғир доналарни муддатидан олдин қўшиш.	Партия таҳлили ва шахмат масалалари ва машқларини ечиш.
26-дарс. “Дебют” дарсларини мустаҳкамлаш. Назорат иши	<i>Ўтилган №19- 25 мавзулар бўйича назорат иши.</i>	Ўтилган мавзулар бўйича шахмат топшириқлари ва тестлар
27-дарс. Ўйин якуни. Эндшпиль	<i>19 дарсни такрорлаш</i> Ўйин якуни нима? Эндшпильнинг мақсади ва вазифаси. Эндшпильда асосий ҳаракатлар. Ўйин якунида шоҳнинг фаоллиги. Пиёдани фарзинга чиқариш.	Ўйин тугашига турлича вариантлар. Шахмат масалалари ва машқларини ечиш.
28-дарс. Ёлғиз қолган шоҳни турли доналар билан мот қилиш	<i>27 дарсни такрорлаш</i> Ёлғиз шоҳни фарзин ва рух ёрдамида мот қилиш.	Партия таҳлили ва шахмат масалалари ва машқларини ечиш.
29-дарс. Ёлғиз қолган шоҳни турли доналар билан мот қилиш	<i>28 дарсни такрорлаш</i> Ёлғиз шоҳни фарзин ёрдамида мот қилиш.	Партия таҳлили ва шахмат масалалари ва машқларини ечиш.
30-дарс. Ёлғиз қолган шоҳни турли доналар билан мот қилиш	<i>29 дарсни такрорлаш</i> Ёлғиз шоҳни иккита рух; фил, от ёрдамида мот қилиш ва шоҳ ёлғиз шоҳга қарши.	Партия таҳлили ва шахмат масалалари ва машқларини ечиш.
31-дарс. «Эндшпиль». дарсларини мустаҳкамлаш.	<i>Ўтилган №27- 30 мавзулар бўйича назорат иши.</i>	Ўтилган мавзулар бўйича шахмат топшириқлари ва тестлар

Назорат иши		
32-дарс.	Хатолар устида ишлаш	Назорат ишларининг хатоларини таҳлил қилиш
33-дарс.	Рақиб билан ўйнаш	Партия таҳлили
34-дарс.	Яқуний машғулот	

Бошланғич даражадаги ўқитиш қуйидаги натижаларга эришишга қаратилган: ўйин қоидаларини билиш, ўйин мақсадини тушуниш ва ўйнай олиш (барча доналарнинг ҳаракатланиши, мумкин бўлмаган ҳаракат, фигура олиш, шахмат ўйинининг мақсади, шахмат ўйнаш қобилияти).

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абрамов С.П., Барский В.Л. Шахматы: первый год обучения. Методика проведения занятий. Москва, ООО «Дайв», учеб. пособие, 2009, 256 с.
2. Г. Сала, А. Горини, Г. Праветтони Умение решать математические задачи и шахматы: экспериментальное исследование на младших школьниках. SAGE Open, июль-сентябрь (2015), стр. 1 – 9
3. Гершунский Б.С. Шахматы - школе будущего // Образовательно-педагогическая прогностика: Теория, методология, практика. - М.: Флинта: Наука, 2003. - С. 298 – 311.
4. Карпов А.Е. Школьный шахматный учебник. Начальный курс в двух томах. / Карпов А.Е., Шингирей А.Б. М.: RUSSIAN SHHSS HOUS, 2005. -Т. 1, Т.2 - 411с.
5. Князева В.В. Структура и содержание учебного предмета "шахматы" в системе общеобразовательных школ России: дисс. ... доктора, пед. наук. - М.: 2000 г. - 462с
6. Махмудов А.Х. va boshq. Shaxmat birinchi marotaba o'rganuvchilar va umumta'lim maktablari uchun: o'quv-metodik qo'llanma.-Toshkent: "Nodirabegim" nashr., 2021.- 96 b.
7. Тошев М. Х. Мактаб ўқувчиларини шахматга тайёрлашнинг шакллари: 10.53885/edinres. 2021.44. 19.065 МХ Тошев БухДУ таянч докторанти //Научно-практическая конференция. – 2021.
8. Тошев М., Рамазанова Ф. Патриотическое воспитание-важная составляющая духовно-нравственного воспитания детей и молодежи //Наука. Мысль: электронный периодический журнал. – 2014. – №. 6. – С. 22-27.
9. Halilovich T. M. An International Multidisciplinary Research Journal.
10. Halilovich T. M. Areas of work of a sports psychologist //Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR). – 2020. – Т. 9. – №. 11. – С. 188-193.
11. Halilovich T. M. The role of chess in the development of intellectual abilities of secondary school students (based on computer technology) //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 4. – С. 1254-1258.
12. Шукуров Р., Тошев М. СПОРТ КАК СОРЕВНОВАТЕЛЬНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ //Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов. – 2015. – №. 5. – С. 139-140.